

БАНК ТИЗИМИДА ДОЛЛАРЛАШУВНИ ПАСАЙТИРИШ ЙУЛЛАРИ.

Муаллиф Саидов Шерзод Абдуллажанович

Ипотека банк Сергели филиали Чакана амалиётлар булими бошлиғи

Аннотация: *Мазкур мақолада мамлакатимиз тижорат банкларида муаммоли кредитларни таснифлаш мезонлари ва уларнинг шакллари, муаммоли кредитларнинг турлари ва уларни камайтириш йуллари очиб берилган. Шунингдек, мақолада мамлакатимиз банк тизими ва тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг амалий ҳолати тахлили этилган ва уларни камайтириш буйича хулосалар шакллантирилган ҳамда таклифлар берилган.*

Калит сузлар: *Муаммоли кредитлар, стандарт кредитлар, субстандарт кредитлар, коникарсиз кредитлар, шубхали кредитлар, умидсиз кредитлар, захиралар, диверсификация, тижорат банклари.*

КИРИШ

Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар кредитлаш амалиётини янада соддалаштириш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва фоиз ставкаларини оптималлаштириш, Ўзбекистонда "Ҳдракатлар стратегияси"га мувофиқ мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишда банклар урни ва иштирокини фаоллаштириш, муаммоли

кредитлар салмогини камайтириш билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилиши уз навбатида, соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАЪЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ижтимоий жамиятда товар-пул муносабатларининг пайдо бўлиши кредитлаш амалиёти шаклланиши ва ривожланишига замин яратди. Зеро, товар-пул муносабатлари амал қилган ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жамиятда кредитни вужудга келиши ва кредитлаш муносабатларини амал қилишини ҳамда бу жараён муттасил ривожланиб боришини такозо этади. Бироқ, сунгги йилларда кредит ва уларга ҳисобланган фоизларни уз вақтида қайтариш, шунингдек кредит таъминоти билан боғлиқ катор муаммолар пайдо бўлмоқда.

2020 йилда иқтисодиётда қузатилган мураккаб шароитларга қарамай, кредит қуйилмалари қолдиги йил бошига нисбатан 34,3 фоизга ёки ЯИМ номинал усишига нисбатан 2,5 баробар юқори суръатларда усиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига 280,4 трлн. сумга етди.

Хусусан, юридик шахсларга ажратилган кредит қуйилмалари қолдиги 1,3 баробарга ёки 56,7 трлн. сумга (жами 222,5 трлн. сум), жисмоний шахсларга

ажратилган кредит куйилмалари эса карийб 1,4 баробарга ёки 15 трлн. сумга (жами 54,9 трлн. сум) усди.[8]

Мамлакатимиз банк тизимининг самарадорлигини ошириш иктисодиётнинг реал секторини кредитлашда банкларнинг фаол иштирок этиши билан боғлиқдир. Бирок, мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини олиб боришда бир канча кийинчилик ва муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса, бугунги кунда тижорат банкларини даромад келтирувчи активларининг асосий кисмини ташкил этувчи кредитлар орасида муаммоли кредитларнинг мавжудлиги сезиларли булмоқда.

Банклар жалб килинган маблағлардан асосан кредит бериш сифатида фойдаланар экан, бунда нафақат даромад олиш, балки маблағларни "кредит олувчи"дан тулалигича ундириб олиш масаласини олдиндан белгилаб олиши зарур. Чунки, "банк сармоя эгаси сифатида сармояни эмас, балки сармоядан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир шарт ва устама фоизлар билан сотади"[2]. Айни пайтда бизнинг мамлакатимизда ҳам илмий-назарий ҳамда амалиётчилар доираларида "муаммоли кредит" тушунчаси аввалгига нисбатан анча кўпроқ қулланилмоқда ва баҳс мунозараларга сабаб булмоқда.

Илмий доираларда муаммоли кредитлар буйича баҳс-мунозаларнинг маълум даврдан бери давом этиб келишига қарамасдан, "муаммоли кредит" терминига ягона таъриф ҳозиргача берилмаган.

Илмий адабиётларда муаммоли кредитларга бир канча таърифлар берилган. Айрим адабиётларда, тижорат банклари фаолиятида хавфли булган кредит куйилмалар - бу муаммоли кредитлар шаклига кирган куйилмалардир деб таърифланса, айрим адабиётларда муаммоли кредитлар деганда, объекти, субъекти ва таъминотига нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо булган кредит дея таъриф берилган. Шунингдек, агар берилган кредит муаммоли таъминотга эга булса ва ушбу таъминотнинг киймати қайтарилмаган қарз миқдоридан кам булса, бу ҳолда ушбу кредит муаммоли кредит ҳисобланади, субстандарт ва ундан паст таснифланувчи кредитлар муаммоли кредитлар тоифасига қиради.

Жумладан, Питер Роузнинг фикрича, қарз олувчи бир ёки бир неча туловларни амалга оширмаганлиги ёки кредит таъминоти кийматининг пасайиши кредитни муаммоли кредитлар туркумига утишини англатади. [3]

Айрим Гарб мамлакатлари иктисодчиларининг таърифлашига қура кредит буйича туловларнинг график буйича 90 кундан ортиқ кечикиши ёки кредит шартномаси шартларининг бузилиши кредитни муаммоли эканлигидан далолат беради.[7]

Россия адабиётларида айрим муаллифларнинг таъкидлашича, муаммоли кредит деганда объекти, субъекти ва таъминотига нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо булган кредит тушунилади. [5] Уларнинг қарашларича, ностандарт, даргумон ва ишончсиз кредитларни, яъни муддати утмаган жорий кредитлардан ташқари барча кредитлар, шу жумладан асосий тулов ҳамда

кредит фоизлари буйича киска муддатли булса ҳам карздорликка эга булган, шунингдек, кредит шартномаси шартларини узгартирмасдан хеч булмаса бир маротаба кайта расмийлаштирилган кредитлар муаммоли деб тушунилади.

МУХОКАМА

Махаллий олимлардан профессор Ш.З.Абдуллаеванинг ёндашувига кура, субстандарт кредитлар ҳам уз вақтида кайтарилмаганлиги туфайли муаммо келтирувчи кредитлар сифатида тахлил килиниши мумкин.[1]

Махаллий олимлардан яна бири У.А.Тухтабоев эса муаммоли кредитларга куйидагича таъриф беради: кредит рискларининг амалда яккол намоён булишининг натижаси булиб, объектив ҳамда субъектив сабабларга кура кредит шартномаси шартларининг бузилиши оқибатида "субстандарт", "шубхали" ҳамда "умидсиз" кредитлар категориясига утиб колган кредитларга муаммоли кредитлар дейилади. [4]

Ушбу охириги таъриф муаммоли кредитларга берилган таърифларнинг ичида туликрок талкин этилган дейишимиз мумкин. Чунки бунда муаммоли кредитларни юзага чиқишига сабаб буладиган кредит рисклари билан боғланган ҳамда кредит категориялари ажратиб курсатилган. Аммо хозирги пайтда мазкур

таъриф уз мохиятини йукотди, деб уйлаймиз. Сабаби Узбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 14 июлдаги "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар буйича эхтимолий йукотишларни коплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тугрисида"ги 2696-сонли Низоми кабул килинганидан сунг, кредитларнинг таснифланишида узгаришлар руй берди. Хусусан, "яхши" деб таснифланган кредитлар тоифаси олиб ташланди ва унинг урнига "стандарт" кредитлардан фойдаланиш йулга куйилди. Бундан ташкари "кониқарсиз" деган кредитлар тоифаси киритилди.

Маълумки, республикаимиз банк амалиётидаги мавжуд меъёрий-хуқуқий хужжатларга кура муаммоли кредит деганда сифати «кониқарсиз», «шубхали» ва «умидсиз» кредитлар сифатида таснифланган кредитлар тушунилади. [6]

Тижорат банкларининг активлари, хусусан кредитлари сифатига кура «стандарт», «субстандарт», «кониқарсиз», «шубхали» ва «умидсиз» тоифаларга таснифланади.

Карзларнинг уз муддатида туланишига шубха тугдирмайдиган активлар сифати «стандарт» деб таснифланади.

Карздорнинг молиявий холати барқарор хисобланган, лекин айрим салбий холатлар ёки тенденциялар мавжуд булиб, агар улар бартароф этилмаса, молиялаштирилган лойиханинг амалга ошишига ёки карздорнинг активни уз вақтида тулаш қобилиятига нисбатан шубха пайдо булиши мумкин булган активлар сифати «субстандарт» деб таснифланади.

Сифати «кониқарсиз» деб таснифланган активларга хос барча хусусиятларга эга булиб, мавжуд шароитда активларнинг тулик

кайтарилишини шубха остига ва кам ишончли килиб қуядиган активлар сифати «шубхали» деб таснифланади.

Шартномада белгиланган муддатда кайтарилмаган ёки кайтмаслигидан далолат берувчи омиллар ёки аломатлар мавжуд булган ҳамда кайтмайдиган ёки киймати жуда пастлиги туфайли хисобини балансда актив сифатида юритилиши мақсадга мувофиқ эмас деб баҳоланадиган активлар сифати «умидсиз» деб таснифланади.

НАТИЖА

Мамлакатимиз банк тизимининг самарадорлигини ошириш иктисодиётнинг реал секторини кредитлашда банкларнинг фаол иштирок этиши билан боғлиқдир. Бирок, мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини олиб боришда бир канча кийинчилик ва муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса, бугунги кунда тижорат банкларини даромад келтирувчи активларининг асосий қисмини ташкил этувчи кредитлар орасида муаммоли кредитларнинг мавжудлиги сезиларли булмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 14 июлдаги Uzbekistan www.scientificprogress.uz Page 491

"Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар буйича эҳтимолий йукотишларни коплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тугрисида"ги 2696-сонли Низомига муаммоли кредит деганда сифати «кониқарсиз», «шубхали» ва «умидсиз» кредитлар тушунилади. [6] кредитлардаги улуши динамикаси[8], фоизда

Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 2012-2017 йилларда мунтазам равишда пасайиш тенденциясига эга. 2012 йилда жами кредитларнинг 3,06 фоизи муаммоли кредитлар булган булса, кейинги йилларда кескин пасайиш ҳолати кузатилган. 2017 йилга келиб 0,74 фоизни ташкил этган. Аммо 2018 йилга келиб 1,2 фоизга етган ва олдинги йилга нисбатан 0,5 ф.п.га ошган. 2019 йилга келиб эса 0,08 ф.п.га ошиб, 1,28 фоизни ташкил этган. Агарда банк кредит қуйилмаларининг охириги йиллардаги кескин узиш суръатларини ва кредитларнинг ҳажмини инобатга оладиган булсак, бу банк тизими учун салбий ҳолати хисобланади.

Охириги йилларда, яъни пандемия даврида иктисодий фаолликнинг пасайиши, молиявий кийинчиликларга дуч келган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит туловлари муддатининг узайтирилиши натижасида банк тизимида муаммоли кредитлар улуши (90 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган) 0,6 фоиз бандга ошиб, 2020 йил якуни буйича 2,1 фоизни (5,8 трлн. сум) ташкил этган булса, 1 май ҳолатига мазкур курсаткича 4,4 (12,933 трлн. сум) фоизга етган.

1-жадвал.

Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) т^арисида 2021 йил 1 май х^олатига маълумот, млрд сум

Муаммоли

Кредит портфель Муаммоли кредитларнинг

№ Банк номи кредитлар жами

(NPL) кредитлардаги улуши

Жами 292 029 12 933 4,4%

Давлат улуши мавжуд банклар 256 649 11 188 4,4%

1 Узмиллийбанк 66 455 2 641 4,0%

2 Узсаноатқурилишбанк 39 868 1 552 3,9%

3 Асака банк 36 074 1 749 4,8%

4 Агробанк 29 198 1 114 3,8%

5 Ипотека банк 25 029 1 201 4,8%

6 Халк банки 20 183 1 185 5,9%

7 Ўшлок қурилиш банк 14 547 716 4,9%

8 Микрокредитбанк 9 794 331 3,4%

9 Турон банк 7 244 239 3,3%

10 Алока банк 6 140 256 4,2%

11 Азия Альянс банк 1 947 163 8,4%

12 Пойтахт банк 106 7 6,7%

13 Узагроэкспортбанк 63 34 54,6%

Бошка банклар 35 380 1 745 4,9%

14 Хамкор банк 7 935 349 4,4%

15 Ипак йули банк 5 676 190 3,4%

16 Капитал банк 5 212 57 1,1%

17 Ориент Финанс банк 3 592 76 2,1%

18 Инвест Финанс банк 3 078 16 0,5%

19 Траст банк 2 292 76 3,3%

20 Давр банк 1 490 0,5 0,03%

21 Тенге банк 1 343 0,3 0,02%

22 УзҚДБ банк 931 0 0,0%

23 Савдогар банк 804 117 14,5%

24 Универсал банк 800 20 2,5%

25 Туркистон банк 697 618 88,7%

26 Зираат банк 596 5 0,9%

27 Равнак банк 481 8 1,7%

28 Хай-Тек банк 199 179 89,9%

29 Мадад инвест банк 126 33 26,0%

30 Анор банк 103 0 0,0%

31 Тибиси банк 19 0 0,0%

32 Эрон Содерот банк 7 0,3 3,6%

Мазкур муаммоли кредитларнинг асосий қисми, яъни 8,441 трлн суми ёки 83 фоизи давлат улуши мавжуд тижорат банклари ҳиссасига тугри келмоқда. Бунда Узмиллийбанк (1,9 трлн сум), Узсаноатқурилишбанк (1,7 трлн сум), Асака банк (1,6 трлн сум) ва Ипотека банк (1,1 трлн сум)лар етакчилик қилмоқда.

Шунингдек, Hi-Tech банкнинг жам кредитлари 201 млрд сумни ташкил этгани холда муаммоли кедитлар(NPL)нинг хажми 179 млрд сум ёки 89,4 фоизни ташкил этмоқда. Туркистон банкда эса эса жами кредит портфели 703 млрд сум булиб, шундан 610 млрд суми ёки 86,7 фоизи муаммоли кредитлар хиссасига тугри келмоқда.

Мазкур муаммони хал килишнинг энг асосий йули давлат улуши мавжуд тижорат банкларини трансформация килиш хисобланади. Шу муносабат билан Президентимизнинг "2020-2025 йилларга мулжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох килиш стратегияси" тугрисида Фармони кабул килиниб, мазкур Фармон ижроси доирасида Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараккиёт банки, Осиё тараккиёт банки халқаро молия ташкилотлари хамда "PWC", "KPMG", "Deloitte" ва "McKinsey & company" каби халқаро консалтинг компаниялари банкларни трансформация килиш жараёнларига жалб этилди ва бу борада фаол ишлар олиб борилмоқда.

Келгусида кредитлаш узиш суръатларининг юкори даражада сакланиб қолиши, иктисодий узишни куллаб-кувватлашга хизмат қилиши билан бирга банк тизими барқарорлигига салбий таъсир курсатувчи хатарларни хам юзага келтириши мумкин.

ХУЛОСА

Шу муносабат билан мазкур холатларнинг юзага келишининг олдини олиш мақсадида қуйидаг ишларн амалга ошириш таклиф этилади:

- ажратилган кредитларни устувор равишда аввал берилган кредитларнинг қайтиши хисобидан амалга ошириш;
- банклар томонидан 2020 йил яқунлари буйича олинган соф фойдани банклар капиталини оширишга йуналтириш орқали банкларнинг капитал буферини макбул даражада саклаб қолиш;
- банк кенгашлари томонидан кредитлаш хажмларини банкларнинг молиявий холатидан келиб чиққан холда бизнес-режа параметрлари доирасида амалга оширилишини катъий назоратга олиш.

УШБУ таклифларнинг амалиётга КУЛЛВНИЛИШИ банкларнинг муаммоли кредитларининг пасайишига, банк молиявий х1олатининг барқарорлашишига ёрдам беради.

REFERENCES:

1. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари Ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002. 187 б.
2. Дробозита Л.А. Финансы, денежное обращение, кредит -Москва. ЮНИТИ, 2000. - 329 с.
3. Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. С ан^n. -М.: Дело, 1997, 192 с.

4. Тухтабаев УА. Муаммоли кредитлар Ва утарни бартараф этиш й^лтари. Иктисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун автореферати. Т, 2006.